

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ» ФАКУЛЬТЕТИ
«АВТОМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ

Номозов Жуманазар Пардаевичнинг

«Эгилувчан хусусиятли электро-механик объектларни автоматик
ростлаш системаси» мавзули

5523800 – «Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни
автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)» йўналиши бўйича

бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Кафедра мудири

т.ф.н., доц. Маллаев А.Р.

Раҳбар

т.ф.н., доц. Сиддиқов И.Х.

Тошкент – 2014 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.	5
1 – БОБ. ЭЛЕКТРОМЕХАНИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИДАГИ ЭГИЛУВЧАНЛИКНИНГ СИСТЕМАГА ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.	7
1.1 Эгилувчанликнинг келиб чиқиш сабаблари.	7
1.2 Эгилувчан электромеханик системаларнинг хусусиятлари.	9
1.3 Электромеханик система эгилувчанлигини ростлаш сифатига таъсирларини ўрганиш.	12
2 – БОБ. ЭЛЕКТРОМЕХАНИК ОБЪЕКТЛАРНИ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИ ДИНАМИКАСИНИ ТУЗИШ.	18
2.1 Эгилувчанли электромеханик системалар математик схемасини танлаш ва таҳлил қилиш.	18
2.2 Механик ҳаракатнинг соддалаштирилган модели.	25
2.3 Қуруқ ишқаланишли ва люфт компенсацияси.	29
3 – БОБ. ЭГИЛУВЧАН ХУСУСИЯТГА ЭГА ОБЪЕКТЛАР БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ.	32
3.1 Эгилувчан хусусиятли система ва ростлагични моделлаштириш.	32
3.2 Двигател якор занжири электромагнит инерцияси ва ўзгартирувчининг таъсири.	35
3.3 Эгилувчан хусусиятли динамик объектларини бошқариш системаларини синтез қилиш.	39
3.4 МАТЛАБ ёрдамида Эгилувчан хусусиятли системаларнинг динамик характеристикаси тасирчанлигини таҳлил қилиш.	
Хулоса.	43
Адабиётлар	44

КИРИШ

Мустақил Республикамиз ресурсларини тежаш масаласи иқтисодий ривожланишнинг омилларидан биридир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашни самарадорлик тизимини амалга ошириш иқтисодий рақобатбардошлилигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан қанчалик тежамкорли фойдалана олишимизга боғлиқдир» [1].

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ишлаб-чиқариш жараёнларини автоматлаштириш катта аҳамиятга эга. Кўп йиллар мобайнида мутахассисларнинг эластик электроюритмали механизмларга бўлган қизиқишлари жуда каттаки, шундай системаларни татқиқ қилиш ва ишлаб чиқариш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Одатда механизм ва двигател ўртасида, айрим вақтларда механизмнинг алоҳида қисмлари орасидаги боғланишларнинг чегараланган қаттиқлиги уларнинг конструктив тузилишига ва уларнинг оғирлиги камайишига ва ўлчамларининг кичрайишига бўлган талабларнинг интекосидир. Шунинг учун боғлам қаттиқ бўлишини хар доим хам бажариб бўлмайди. Электроюритмаларга бўлган талабларнинг ортиши уларнинг тезкорлигини оширишга олиб келади, эластик электроюритма ускуна ишлашига таъсир кўрсатиши мумкин. Системада тебраниш хосил бўлади. Бу эса системани тез эскиришига олиб келади, айрим вақтларда деталларнинг бузилишига ишлаб чиқариш самарадорлиги ва махсулот сифатига таъсир этиши мумкин.

Кўп тарқалган электроюритмани бошқариш системалари цархли бошқарув принципига асосланган. Аммо бундай принцип системаларнинг тезкорлигига таъсир қилиши мумкин.

Шунинг учун ҳамма талабларга жавоб бера оладиган, яъни тебранишсиз ишлай оладиган ва ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган эластик электрон механизм системаларини автоматлаштиришни татқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундай бошқарув системаларини татқиқ қилиш эса системанинг ички динамик жараёнларини ўрганишни талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси системанинг мураккаблигини оширади ва уларни аналитик синтез қилишнинг умумий усуллари мавжуд эмас. Шунинг учун олдимизга қўйилган масалаларни осонлаштириш йўлларини топишимиз зарур. Бунинг учун системани турли режимларда татқиқ қилиш учун ЭХМ дан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди.

1 – БОБ. ЭЛЕКТРОМЕХАНИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИДА ЭГИЛУВЧАНЛИКНИНГ СИСТЕМАГА ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

1.1 Эгилувчанликнинг келиб чиқиш сабаблари

Замонавий машина ва механизмларда эластик боғламларга тез-тез дуч келишимиз мумкин. Уларнинг бўлиши кўплаб ноқулайликлар келтириб чиқиши мумкин. Катта амплитудали тебранишлар юзага келади, баъзи бир бўлимларнинг деформацияси натижасида механизмлар ишлаши аниқлиги камаяди ва х.к. Шу муносабат билан агрегатларнинг эластик боғланмаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Технологик агрегатларда эластик боғламлар келиб чиқишининг бир канча сабабларини ўрганамиз.

1. Сабаблардан бири агрегат қисмларининг нотекис ҳаракатланиши ҳар қандай звено механизмлари деформация натижасида ҳаракат кучланиши ва момент миқдори ўзгаради; оддий ҳолларда, звено идеал эластик деб ҳисобланади ва унинг деформацияси (чўзилиши, букилиши, эзилиши ва буралиши) битта ўзгарувчан x билан аниқланади ва берилган куч ёки моментнинг деформациясига нисбатан $F(x)$ функция орқали ифодаланади. Бу функция эластик характеристикаси дейилади ва унинг ҳосиласи:

$$c(x) = \frac{dF}{dx}(x). \text{ эластик звенонинг қаттиқлик даражаси дейилади.}$$

Звено қаттиқлиги $F(x) = cx$ га боғлиқ эмас айрим ҳолларда вақтга боғлиқ бўлади. Эластик характеристиканинг потенциаллиги турли сабабларга кўра юзага келиши мумкин. Биринчидан деформациясига учраган деталнинг материали Гук қонунларига бўйсинмаслиги мумкин; мисол учун резина шундай мисол бўлиши мумкин. Иккинчидан, кучнинг деформация боғлиқлиги конструкциясининг эластик элементи орқали аниқланиши мумкин.

Эластик звенолар кўп ҳолларда ҳаракатни чегараловчи ускуналар билан чегараланиши мумкин. Эластик боғлашлар эластик характеристикасига боғлиқ.

2. Ҳар қандай механик системаларда эластик боғланмаларга нисбатан қарши кучлар, кўп ҳолларда диссипатив кучлар деб номланади. Диссипатив кучлар турли сабабларга кўра пайдо бўлиши ва турли характерга эга бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда улар демфирик ускуналарда, бундай ускуналар махсус ўрнатилади ва системада қувват тақсимланишини кучайтиради. Бундай демпферларга фрикцион, гидравлик ва ҳаво демпферлари киради. Айрим ҳолларда эса, қаршилик йуллари системанинг ҳаракатланувчи ва муайян қисмлари орасидаги ишқаланиш йуллари сифатида намоён бўлади. Диссипатив куч ва механик системанинг ҳаракатини кўрсатувчи параметрлар асосан нотекис характерга эга.

3. Технологик агрегат динамикасини текшириш вақтида машина ва двигателнинг нотекис характеристикасини кўзда тутиш мумкин.

Машинанинг ишлаш характеристикаси технологик кучланиш ва қаршилик кучларининг тезликка нисбати олинади. Бундай технологик кучланишга мисол қилиб металл станокларни олиш мумкин.

4. Эластик хусусиятга эга системаларнинг махсус синфи сифатида валнинг айланиши ва ишчи органнинг нотекис ҳаракати орасидаги механизмлар динамикасини татқиқ қилиш билан боғлиқ.

Замонавий эластик системаларни қуриш вақтида шу нарса маълум бўлдики, объектни бошқарувчи қаттиқ системалар билан бир қаторда объектнинг эластиклик даражасини ҳам назарда тутиш лозим. Бу соҳада системанинг ҳар хил режимларда ишлашини текшириш учун ЭХМ дан фойдаланган маъқул.

1.2 Эгилувчан электромеханик системаларнинг хусусиятлари

Технологик машина ва агрегатларни ўрганиш системадаги бошқарувчи ва ижрочи механизмларда юз бераётган динамик жараёнларни аниқ баҳолаш имкониятини беради.

Двигател моменти ва унинг бурчак тезлиги орасидаги функционал боғлиқлиги двигателнинг механик характеристикаси деб номланади. Электромеханик ва электромагнетик ўсиш жараёнларининг даражасига кўра механик характеристикалар қуйидаги турларга бўлинади.

- 1) Статистик механик характеристика;
- 2) Ўрнатилган режимдаги характеристиканинг электромеханик ўтиш жараёнларини назарда тутувчи динамик механик характеристика;
- 3) Динамик механик характеристика.

Технологик машиналарни инженерик ҳисоблаш чоғида статистик механик характеристика қўлланилади. Бунда электромагнит ўтиш жараёнлари двигателда ҳисобга олинмайди. Бу эса ҳисоб китобларнинг нотўғри баҳоланишига олиб келади. Айрим ҳолларда, айниқса пахта тозалаш машиналарида, улар паст тезликда ишлайди, двигателни механик статистик механик характеристикаси аниқ натижалар бериши мумкин.

Асинхрон двигател механик статик характеристикаси қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$M_{\partial} = \frac{2M_K(1 + \varepsilon)}{S / S_K + S_K / S + 2\varepsilon}$$

Бунда

$$\varepsilon = \frac{1}{\sqrt{\Gamma^2 + \Gamma_K^2}} \quad (1.1)$$

M_{∂}, M_K - двигател валидаги момент ва унинг киритиш қиймати;

S, S_K - двигател сурилиши ва моментга мос сурилиш.

$$S_K = S_i \left(\frac{M_K}{M_i} + \sqrt{\frac{M_K^2}{M_i^2} + 1} \right) :$$

$$S_H = \frac{\omega_0 - \omega_H}{\omega_0} ;$$

ω_H , ω_0 -двигател ротори номинал ва эркин айланишига мос бурчак тезлиги;

M_H – электродвигател номинал моменти;

Γ , Γ_K - актив ва индуктив қаршиликлар.

Ўзгармас ток боғлиқсиз двигателлари учун статистик механик характеристика

$$\omega = \omega_0 (1 - \nu M_d), \quad \omega_0 = \frac{E_\Gamma}{K_e \Phi},$$

$$\nu = \frac{\Gamma_\gamma}{K_M E_\Gamma \Phi}, \quad K_M = 0.016 \frac{P_n}{a} \quad (1.2)$$

$$K_e = 9,81 K_M,$$

кўринишига ега.

Бу ерда

ν – статистик характеристика эгрилилик коэффициенти;

E_Γ – генератор электр юритувчи кучи;

Γ_γ – якорнинг актив қаршилиги;

p – якор ўрамлари актив ўтказувчилари сони;

P – жуфт қутублар сони;

a – якор ўрамлари параллел симлари сони;

Φ – двигател магнит оқими;

Асинхрон электродвигател ўрнатилган режимдаги ҳаракати динамик характеристикаси И.С. Пинчук томонидан аниқланган ва

$$\frac{1}{2\omega_k M_k} M_\partial + \frac{S_K}{2M_K} M_\partial = \frac{\omega_0 - \omega}{\omega_0} \quad (1.3)$$

кўринишига ега.

Бу ерда

ω_K – контурнинг бурчак частотаси.

Ўзгармас ток двигателлари учун динамик механик ҳарактеристика

$$\frac{r_{\text{я}}}{M_{\text{н}} \Phi} \left(\frac{L_{\text{я}}}{R_{\text{я}}} M_{\delta} + M_{\delta} \right) = \frac{\omega_0 - \omega}{\omega_0}, \quad (1.4)$$

қуйидаги қуринишига эга.

Бунда $R_{\text{я}}$ ва $L_{\text{я}}$ генератор ва электродвигател якоридаги тўлиқ актив ва тўлиқ индуктив қаршиликлар.

Кетма-кет қўзғалувчан ўзгармас ток электродвигателлари динамик ҳарактеристикаси

$$M_{\delta} = K_{\kappa} \Phi, \quad \dot{U} = K_K \Phi' \omega + (L_{\text{я}} + L_B) \frac{di}{dt} + (R'_{\text{я}} + R_p) i \quad (1.5)$$

Бунда K_K – электродвигател индуктив параметри;

Φ – магнит оқими;

i – якордаги ток;

$L_{\text{я}}, L_B$ – якор ва қўзғалиш ўрамларидаги индуктивлик;

$R'_{\text{я}}, R_p$ – якор ва ишга тушириш реостати актив қаршилик.

Электромагнит ўтиш жараёнларини қўзда тутган ҳолда асинхрон двигател динамик механик ҳарактеристикаси статор ва ротор оқими боғланиши векторларини қўзда тутган дифференциал тенгмалар системаси билан ифодаланади.

$$M_{\delta} = \frac{3PK_{\Gamma}}{2\sigma X_S} (\psi_{x_2} \psi_{y_1} - \psi_{x_1} \psi_{y_2}),$$
$$\psi_{x_1} = Um \cos \gamma - \omega_0 \alpha' \psi_{x_1} + \omega_0 \alpha'_S \psi_{x_1}.$$

Бунда

M_{δ} – двигател электромагнит моменти;

$\psi_{x_1} \psi_{y_1}$ – статорнинг умумлашган x ва y ўқлари бўйлаб оқимга боғланиш вектори;

$\psi_{x_2} \psi_{y_2}$ – роторнинг умумлашган x ва y ўқлари бўйлаб оқимга боғланиш вектори;

K_r – роторнинг бутун реактив қаршилиги ўзаро индуктив коэффициенти;

σ – Блондель тарқалиш коэффициенти;

X_s, X_r – статор ва роторнинг тўлиқ реактив қаршилиги;

U_m – фазаларга берилаётган кучланиш амплитудаси;

α'_r, α'_s – ротор ва статор ёпик ўрами учун статор ва ротор сўниши коэффициенти;

K_s – ўзаро индуктивлик тўлиқ индуктивлик қаршилиги X_Q статор тўлиқ актив қаршилиги X_s га нисбати коэффициенти;

C_0 – нисбатан синхрон тезлик;

Γ_1, Γ_2 – статор ва ротор фазалари актив қаршилиги;


α_r, α_s – статор ва ротор фазалари актив қаршилигининг ротор ва статор тўлиқ реактив қаршилигига нисбати;

1.3 Электромеханик система эгилувчанлигининг ростлаш сифатига таъсирларини ўрганиш

Пахта тозалаш саноатининг кўпгина агрегатларида двигател ва ижрочи орган орасида қаттиқ боғлам кузатилади. Асосан технологик агрегатларнинг электродвигатели ижрочи орган билан тасма билан боғланади. Тасма юмшоқ бўлгани учун электропривод системаларида айланма тебраниш ҳолатлари юз беради. Улар эса ишчи органга таъсир қилиб, агрегатнинг тез йемирилишига ва пировардида бузилишига олиб келади ва шу билан тола сифатига ва унинг самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Электропривод система ўтиш жараёнларини ўрганиш учун тасмали узатиш системаларини созлаш регуляторлари математик моделини ишлаб чиқиш керак.

Электропривод ҳаракатланиши тенгламасини тузиш учун ўзгармас ток двигатели эластик электромеханик система тузилиш схемасидан фойдаланамиз.



1.1 – расм. 2 массали эластик боғланишли электромеханик системанинг структуравий схемаси

Бу ерда M – двигател электромагнит моменти;

M_{C1} – двигател статик қаршилиги моменти;

M_{C2} – юклама статик қаршилиги моменти;

M_{12} – эластик боғлама қаршилиги моменти;

C_{12} – эластик боғлама қаттиқлиги коэффициенти;

β_{12} - демпфирик коэффициенти;

ω_1 - двигател вали айланиш тезлиги;

ω_2 - ишчи орган айланиш тезлиги;

I_1 – двигател инерцияси моменти;

I_2 – ишчи орган инерцияси моменти.

Электромеханик система математик формуласи қуйидаги дифференциал тенглама системаси билан белгиланади.

$$\begin{cases} U_{\epsilon} = i_{\epsilon} \cdot R_{\epsilon} + L_{\epsilon} \frac{di_{\epsilon}}{dt} = \frac{R_{\epsilon}}{K_{\phi}} \cdot (1 + T_{\epsilon} \cdot p) \cdot \Phi; \\ U_{\gamma} = i_{\gamma} \cdot R_{\gamma \Sigma} + L_{\gamma} \frac{di_{\gamma}}{dt} + K \cdot \Phi \cdot \varpi = R_{\gamma \Sigma} \cdot (1 + T_{\gamma} \cdot p) \cdot i_{\gamma} + K \cdot \Phi \cdot \varpi; \\ M = K \cdot \Phi \cdot i_{\gamma}; \\ M - M_c = I_{\Sigma} \frac{d\varpi}{dt}, \end{cases}$$

Бу ерда

U_B, U_{γ} – қўзғатиш ўраи ва якордаги кучланиш;

i_B, i_{γ} – қўзғатиш ўраи ва якордаги ток;

R_B, R_{Σ} – қўзғатиш ўраи ва якордаги қаршилик;

L_B, L_{Σ} – қўзғатиш ўраи ва якордаги индуктивлик;

Φ – қўзғатиш ўраи магнит оқими;

K – конструктив коэффиценти;


M – двигател электромагнит моменти;

M_C – двигател статик қаршилиги моменти;

I_E – двигател инерция моменти.

$$T_B = L_B / R_B, \quad T_{\Sigma} = L_{\Sigma} / R_{\Sigma}.$$

Математик моделга керакли элементларнинг қўшилиш схемаси куйидагича ифодаланади.



1.2 - расм. Электромеханик эластикли икки вазнли система тузилиш схемаси.

Электромеханик системалари динамикасини текшириш учун куйдаги параметрлар кабул килинди:

П 62 куввали двигатель $P_H = 6 \text{ кВт}$,

Номинал кучланиш $U_c = 220 \text{ В}$,

Номинал айланиш тезлиги $n = 750 \text{ айл/мин}$,

Якор номинал токи $I_{H.Y} = 33,5 \text{ А}$,

Якор занжири қаршилиги $R_{\Sigma} = 0,531 \text{ Ом}$,

Қўзғалиш ўраи (К Ў) қаршилиги $R_B = 154 \text{ Ом}$,

Якор актив ўтказгичлари сони $N = 744$

Якор паралел ўрамлари сони $2a = 2$

К. Ў. кутблари ўрамлари сони $w_B = 1800$,

Битта кутб фойдали магнит оқими $\Phi_K = 10,5 \text{ мВб}$

Ў.К. Наминал кўзғалиш токи $I_{HK} = 1,08 \text{ A}$

Максимал айланиш частатаси 1500 ай/мин

Якор инерция маменти $I_1 = 0,65 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$,

Икки кутбли двигател $P_K = 2$.

Моделлаштириш учун етишмайдиган параметрларни ҳисоблаб чиқарамиз.

Бурчак тезлиги:

$$\omega_n = \frac{\pi \cdot n_n}{30} = \frac{\pi \cdot 750}{30} = 78.53982 \text{ c}^{-1}$$

Двигател наминал электромагнит маменти:

$$M_n = \frac{P_n}{\omega_n} = \frac{6000}{78.53982} = 76.39437 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Двигател конструктивлиги коэффициенти

$$K = \frac{P_{II} \cdot N}{2\pi \cdot a} = \frac{1 \cdot 744}{2\pi \cdot 1} = 236.82256$$

Номинал магнит оками:

$$\Phi_n = \frac{M_n}{K \cdot I_{ян}} = \frac{76,39437}{236.82256 \cdot 33.5} = 9.62927 \cdot 10^{-3} \text{ Вб}$$

К. Ў. вақт ўзгармаси:

$$T_\epsilon = \frac{L_\epsilon}{R_\epsilon} = \frac{2 \cdot P_{II} \cdot K_s \cdot \varpi \cdot \Phi_n}{R_\epsilon \cdot I_{н\epsilon}} = \frac{2 \cdot 2 \cdot 1,2 \cdot 1800 \cdot 9.629 \cdot 10^{-3}}{154 \cdot 1.08} = 0.50022 \text{ c}$$

Бу ерда $K_s 1.1 \dots 1,25$ интервал орасидан танланади.

Якор занжири вақт ўзгармаси :

$$T_\gamma = \frac{L_\gamma}{R_\gamma} = \frac{\gamma \cdot U_c}{R_\gamma \cdot P_{II} \cdot \omega_n \cdot I_{н,\gamma}} = \frac{0,25 \cdot 220}{0.531 \cdot 2 \cdot 78.53982 \cdot 33.5} = 0.01968 \text{ c}$$

Бу ерда $\gamma = 0.25$ га тенг. K_ϕ -коэффициенти

$$K_\phi = \frac{\Phi_n}{I_{н,\phi}} = \frac{9.62927 \cdot 10^{-3}}{1.08} = 8.91599 \cdot 10^{-3} \text{ Вб / A}$$

Эркин айланиш тезлиги

$$\omega_{xx} = \frac{U_c}{K \cdot \Phi_n} = \frac{220}{236.823 \cdot 9.62927 \cdot 10^{-3}} = 96.47307 \text{ c}^{-1}, \quad n_{xx} = \frac{\omega_{xx} \cdot 30}{\pi} = 921.25 \text{ об / мин}.$$

Олинган микдорларни MATLAB дастури ёрдамида тузилиш схемасига мостлаштирамиз.


M_{c1} ва M_{c2} лар $M_{c1}=15$, $M_{c2}=100$ кийматларини эгаллайди. Колган параметрлар- номинал схеманинг чиқишдан бурчак тезлигини ўтиш характеристикаси ω_1 ва ω_2 двигател вали бурчак тезлиги ўтиш характеристикаси аниқлаб олинади.

Қуйидаги моментлар учун эластикликнинг таъсирини аниқлаш учун системани ишлаб чиқарамиз.

$$I_2=0.5I_1=0.0625 \text{ кг м}^2 \quad (1.3 \text{ ва } 1.4 - \text{расмлар})$$

a) $\varphi_1-\varphi_2=2^\circ$, каттиқлик коэффиценти $c_{12}=\frac{M_{12}}{\varphi_1-\varphi_2}=\frac{M_H}{\varphi_1-\varphi_2}=38.195$


b) $\varphi_1-\varphi_2=0,5^\circ$, каттиқлик коэффиценти $c_{12}=\frac{M_{12}}{\varphi_1-\varphi_2}=\frac{M_H}{\varphi_1-\varphi_2}=76.39$



1.3 - расм. Ўткинчи жараён характеристикаси: $\omega_2(t)$ РО нинг айланиши ва $\omega_1(t)$ двигател вали.

Система таркибига демпфирик коэффицентини қўшамиз: β_{12} да $C_{12}=38,195$.

а) $\beta_{12}= 0,1$, б) $\beta_{12}= 0,3$, в) $\beta_{12}= 0,6$



1.4 - расм. Ишчи орган $\omega_2(t)$ ва двигател вали $\omega_1(t)$ айланиши ўтиш жараёни характеристикаси.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, демпфирик коэффициент қиймати ошгани сари тебраниш характеристикаси кескин камаяди. Қаттиқлик камайгани сари тебраниш характеристикаси ошади ва аксинча ошганда камаяди. Ишчи орган инерция моменти камайганда $\omega_2(t)$ ва $\omega_1(t)$ тебранишлар сўниши вақти кўпаяди, кўпайганда эса камаяди.

2 - БОБ. ЭЛЕКТРОМЕХАНИК ОБЪЕКТЛАРНИ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИ ДИНАМИКАСИНИ ТУЗИШ

2.1 Эгилувчанли электромеханик системалар математик схемасини танлаш ва таҳлил қилиш

Машина ва механизмларни ўрганишда механизмларнинг ҳақиқий қисмлари эмас, балки уларнинг динамик моделлари қуриб чиқилади.

Буни шу билан тушинтириш мумкинки, биринчидан ҳақиқий системанинг математик модели жуда ҳам катта ва уларни ўрганиш мураккаб бўлиши мумкин ва иккинчидан системанинг ишлашига кам таъсир кўрсатадиган иккинчи даражали элементларни ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Пахтани дастлабки ишлаш машиналарининг аксарияти икки япроқли ва найзали барабандан иборат. Двигателга бўлган юкланиш жуда ҳам кичик ($0...3$ ай/мин), яни уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Иккинчи томондан қаралганда технология жараёнининг нормаллиги учун ишчи орган бурчак тезлиги ўзгаришини белгиланган даражасини ушлаб туриш талаб қилинади. Шунинг учун ҳисоб схемаларини тузиш вақтида конкрет механизм ва машиналар хусусиятларидан фойдаланамиз.

Аксарият машина ва механизмларда ҳисоб схемаларининг қуйидаги шартлари қўлланилади:

1. Эластик звенога эга механизмлар одатда кўп даражали эркинликка эга. Бундай схемаларни қулай қилиш учун эркинлик даражасини системани линеаризация қилиш, энергия тарқалишига йўл қўймаслик ва тутқичлар орасидаги бўшлиқларни камайтириш мумкин ва х.к.
2. Ҳисоблаш схемалари яхши ўрганилган типовой схемаларга мос қилиб тузиш тафсия қилинади.
3. Ҳисоб-китобларни ва ҳақиқий система ишчи параметрларини осонлаштириш учун механизмнинг ҳар қандай қулай звеноси қўлланиши мумкин.

4. Механизм ва машиналар ҳисоб схемасини тузиш учун двигателни ҳам кўзда тутиш лозим.

Мураккаб приводли пахта тозалаш машиналари динамик ҳисобини олиш учун эластик қисмлар характеристикасини ҳисобга олиш зарур.

Чизиқли эгиловчан элемент учун эгилиш кучи эгиловчан элемент деформациясига тўғри пропорционал, яъни

$$P_{ypr} = c \Delta x,$$

бу ерда c -эгиловчи элемент қаттиқлик коэффициенти.

Δx -эгиловчи элемент деформацияси. Тасманинг кичик деформациясида

$$\Delta x = \Delta \varphi_2 R_2,$$

$$M = [(P_0 + \Delta P) - (P_0 - \Delta P)] R_2 = 2c \Delta \varphi_2 R_2^2.$$

кўринишида ёзишимиз мумкин. Системанинг потенциал энергияси

$$\Pi = 1/2 M \Delta \varphi_2, \quad \Pi_{np} = 1/2 M_{np} \Delta \varphi_1.$$

потенциал энергия тенглиги ($M_{np} = c_{np} \Delta \varphi$) ни ҳисобга олиб,

$$2 \Delta \varphi_2^2 c R_2^2 = c_{i\theta} \Delta \varphi_1^2,$$

$$c_{i\theta} = \frac{2cR_2^2 \Delta \varphi_2^2}{\Delta \varphi_1^2} = 2cR_1^2.$$

Эластик узатиш қаттиқлиги коэффициенти қуйидаги формула билан ҳисобланади

$$c = \frac{EF}{l_p},$$

бу ерда EF -деформацияланган тасма қаттиқлиги;

l_p -тасма фойдали узунлиги.

Бундан,

$$c_{i\theta} = \frac{2EFR_1^2}{l_p}.$$

га эга бўламиз.

Эластик узатиш моменти қуйидаги билан ифодаланади.

$$M_{i\theta} = c(\varphi_1 - i\varphi_2).$$

Эгилувчан элементли механизмларни динамик ҳисоблаш учун эгилувчан элементларда энергиянинг тарқалиши коэффитциентини ҳисобга олиш зарур.

Муайян ишқаланиш коэффиценти ҳақиқий ва келтирилган схемалардан энергия тарқалишининг тенглилигига асосланган. Қаршилиқ кучининг қаршилиги одатда звено ҳаракатланиши тезлигига тўғри пропорционал. Бундай ҳолда Релейнинг тенгламаси узатиш учун диссипатив функцияси

$$\Phi = \frac{1}{2} M \Delta \dot{\varphi}_2,$$

кўринишига эга, келтирилган схема учун эса

$$\Phi_{i\delta} = \frac{1}{2} M_{i\delta} \Delta \dot{\varphi}_2.$$

Агар, $\Phi = \Phi_{np}$, $M = b \Delta \dot{\varphi}_2$, $M_{np} = b_{np} \Delta \varphi_1$, лигини ҳисобга олсак,

$$\frac{1}{2} b \Delta \dot{\varphi}_2^2 = \frac{1}{2} b \Delta \dot{\varphi}_1^2,$$

бу ерда b -эгилувчан узатиш қаршилиги коэффитциенти;

b_{np} - шкивга нисбатан қаршилиқ коэффиценти

Умумий ҳолларда қатор эластик боғламли системаларда, валларни 1,2...м.к деб ҳисобласак, келтирилган коэффицент куйидаги тенглик билан ифодаланади.

$$b_{ki\delta}^m = \frac{b_k}{i_{mk}^2},$$

Бунда b_k – валнинг эластик узатувчи демфирик коэффицентти.

$b_{ki\delta}^m$ – м вал учун b_k – демфирик коэффицентти.

i_{mk} - к ва м валлари оралиғидаги узатиш бирлиги.

Қўзғатувчи ва бошқарувчи таъсирлар ўзгармас бўлган статика тенгламалар асосан алгебраик тенглама ҳисобланади. Динамик тенгламалар асосан – дифференциал. Улар системанинг ўтиш даврида қўзғатиш кучлари таъсир тугагандан кейин системанинг ишлашини аниқлайди. Динамик тенгламалар автоматик система барча элементлари учун тузилиб, автоматик

бошқарув жараёнини белгилайди. (АБЖ). Автоматик системани ҳисоблашда асосий масала – АБЖ звенолари динамик тенгламаларини тузиш. Чунки озгина ноаниқлик бутун ҳисоб – китобни йўққа чиқариши мумкин. Шунинг учун динамик тенгламаларни саноат объектлари учун тузиш тадқиқотчининг масаласига ҳам боғлиқ.

Агар оддий звено киришига $X_{\text{кир}}$ физик катталиқ ва чиқишига $X_{\text{чик}}$ физик катталиқ таъсир қилади деб ҳисобласак, дифференциал тенглама

$$A_0 \frac{d^n x_{\hat{a}\hat{u}\hat{o}}}{dt^n} + A_1 \frac{d^{n-1} x_{\hat{a}\hat{u}\hat{o}}}{dt^{n-1}} + \dots + A_n x_{\hat{a}\hat{u}\hat{o}} = B_0 \frac{d^m x_{\hat{a}\hat{o}}}{dt^m} + B_1 \frac{d^{m-1} x_{\hat{a}\hat{o}}}{dt^{m-1}} + \dots + B_m x_{\hat{a}\hat{u}\hat{o}}, \quad (2.1)$$

бу ерда n - $X_{\text{чик}}$ ўзгаришини белгиловчи дифференциал тенглама даражаси;

m - $X_{\text{кир}}$ ўзгаришини белгиловчи дифференциал тенглама даражаси;

t – вақт.

(2.1) - тенглама нозизиқли яъни A_i ва B_i коэффитциентлар x ёки t га боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун бу тенгламадан фойдаланиш ноқулайликлар келтириши мумкин.

Шу сабаб билан тенгламани чизиқли қилиш учун уни Тейлор ва Маклорен қаторига қўйамиз ва

$$X_{\text{кир}} = \frac{X_{\text{киро}}}{X_{\text{кир}}} ; \quad X_{\text{чик}} = \frac{X_{\text{чик}}}{X_{\text{чиқо}}} ;$$


бу ерда $X_{\text{киро}}$ ва $X_{\text{чиқо}}$ x нинг максимал ёки номинал қиймати.

Нозизиқли тенгламаларни чизиқли тенгламаларга айлантириб (2.1) тенгламани қуйидагича язамиз.

$$a_0 \frac{d^n x_{\text{чик}}}{dt^n} + a_1 \frac{d^{n-1} x_{\text{чик}}}{dt^{n-1}} + \dots + a_n x_{\text{чик}} = b_0 \frac{d^m x_{\text{кир}}}{dt^m} + b_1 \frac{d^{m-1} x_{\text{кир}}}{dt^{m-1}} + \dots + b_m x_{\text{кир}} \quad (2.2)$$

бу ерда a_i ва b_i – ўзгармас коэффитциентлар.

Мисол учун АБ системаларини автоматик мослашнинг турли усулларини кўриб чиқамиз. Асосан тахогенератор ёрдамида $p(t)$ айланиш тезлигини бошқариш ҳисобланади.



2.1 – расм. Электродвигател айланиш тезлигини бошқариш системаси.

1. Электродвигател тенгламаси:

$$T_{\partial} \frac{dn(t)}{dt} + n(t) = k_{\partial} l_y(t), \quad (2.3)$$

бу ерда T_{∂} – двигател вақт бирлиги;

K_{∂} – двигател кучайтириш коэффициентини;

L_y – якор ЭЮКси.

2. Электромагнит кучайтиргич тенгламаси. ЭМК битта валдаги икки генератор комбинациясини билдиради. Улар кетма – кет уланган. Биринчи каскад занжири бошқариш тенгламаси:

$$T_y \frac{dl_{\partial}(t)}{dt} + l_{\partial}(t) = k_y u_2(t), \quad (2.4)$$

Иккинчи каскад кўндаланг занжири тенгламаси:

$$T_n \frac{dl_{\partial}(t)}{dt} + l_{\partial}(t) = k_n l_{\partial}(t), \quad (2.5)$$

бу ерда T_{δ} – ЭМК бошқарув занжири вақт ўзгармаси;

K_K – биринчи каскад кучайтириш коэффициентини;

T_K – кўндаланг занжир вақт ўзгармаси;

K_{K2} – иккинчи каскад кучайтириш коэффициенти;

$L_K(t)$ – иккинчи каскад қўзғатиш ЭЮК си;

$U_2(t)$ - ЭМК кириш кучланиши.

3. Электрон кучайтиргич тенгламаси:

$$u_2(t) = \kappa_{\varepsilon} u_1(t), \quad (2.6)$$

бу ерда K_K – кучайтириш коэффициенти.

4. Ички тескари боғланиш тенгламаси:

$$u_1(t) = u(t) - u_c(t), \quad (2.7)$$

$$T_{\tilde{n}} \frac{du_c(t)}{dt} + u_c(t) = k_c \frac{dl'_y(t)}{dt} \quad (2.8)$$

бу ерда K_C – кучайтириш ёки аниқроғи пасайтириш коэффициенти.

T_K – вақт ўзгармаси. Келгусида $l'_y(t) = l_g(t)$ деб қабул қиламиз.

5. Хатолик тенгламаси:

$$u(t) = u_0(t) - u_{mz}(t) \quad (2.9)$$

6. Тахогенератор тенгламаси:

$$u_{mz}(t) = \kappa_{nu} n(t) \quad (2.10)$$

$K_{\text{айл}}$ – вал айланасининг кучланишга айланиш коэффициенти.

2.3 – 2.10. тенгламалар системаси двигател айланиш тезлигини белгилайди. Олинган юқоридаги тенгламалардан айрим аралик катталикларни чиқариб ташлаймиз. Лекин бу ўзгартиришлар катта меҳнатни талаб қилади. Шунинг учун ушбу операцияларни соддалаштириш талаб этилади. Бунинг учун вақт соҳасидан комплекс соҳасига ўтамиз, яъни Лаплас алмаштириши орқали дифференциал тенгламаларни оддий алгебраик тенгламалар кўринишига келтириб оламиз.

Лаплас алмаштириши қуйидаги муносабат орқали аниқланади:

$$X(p) = L\{x(t)\} = \int_0^{\infty} e^{-pt} x(t) dt \quad (2.11)$$

бу ерда $x(p)$ – оригинал $X(p)$ – тасвир.

$W(p)$ функцияси кириш ва чиқиш катталиклари тасвири орасидаги боғлиқлигини ифодалайди ва элемент узатиш функцияси деб номланади.

Шундай қилиб, автоматик системанинг ҳар бир элементи ёки дифференциал тенглама ёки узатиш функцияси белгиланиши мумкин. Электродвигател вали айланиш тезлигини бошқариш системаси узатиш функцияси қуйидаги кўринишга эга:

1. Двигател учун

$$W(p) = \frac{k_{\delta}}{T_{\delta}p + 1} \quad (2.12)$$

2. Электромашина кучайтиргичи учун.

$$W_{\text{ЭМУ}_y}(p) = \frac{k_y}{T_y p + 1} \quad (2.13)$$

$$W_{\text{ЭМУ}_n}(p) = \frac{k_n}{T_n p + 1} \quad (2.14)$$

3. Электрон кучайтиргич учун

$$W_{\text{Э.р}} = \kappa_{\text{Э}} \quad (2.15)$$

4. Ички тескари боғланиш учун

$$W_{\text{И.Т.Б}}(p) = \frac{\kappa_c p}{T_c p + 1} \quad (2.16)$$


5. Тахогенератор учун

$$W_{\text{Т.Г}}(p) = k_{\text{Т.Г}} \quad (2.17)$$


Автоматик бошқариш системаларининг узатиш функцияси алгебраик тенглама билан ёритилади. Бу эса жуда қулай.

$$X_{\text{чик}}(t) = L^{-1}[X_{\text{кир}}W(p)] \quad (2.18)$$

Юқорида кўрилган Автоматик бошқариш системали блок – схемаси расмдаги кўринишга эга



2.2 – расм. Двигател айланиш тезлиги автоматик бошқариш системасининг структуравий схемаси




2.3 – расм. Двигател айланиш тезлиги автоматик бошқариш системасининг граф схемаси

2.2 Механик ҳаракатнинг соддалаштирилган модели

Икки бўлакдан иборат эластик боғлам билан боғланган системани кўриб чиқамиз. (Узун вал, узун арқон ёки кўтариш механизмлари троси)

C_{12} қаттиқликдаги элементли система ҳисоблаш схемаси 2.4-расмда келтирилган




2.4 – расм. Икки бўлакли эластик звеноли система ҳисоблаш схемаси.

Эластик элементлар учун Гук қонуни

$M_{\Delta}C\Delta\phi$, $F_{\Delta}=c\Delta l$, бу ерда $\Delta\phi$, Δl - эластик элемент бурчак ёки чизиqli деформацияси; M_{Δ} , F_{Δ} - эластик элемент деформация моменти ва кучи;

C – қаттиқлик коэффициенти; н/м

Эластик стержен учун унинг чўзилиши ёки узилиши вақтида қаттиқлик коэффициенти $C = SE/l$, бу ерда l – стержен узунлиги, м; S – кўндаланг кесим юзаси, м²; E – чўзилиш ва эзилиш модули, Па.



2.5 - расм. Икки массали эластик звеноли системанинг структуравий схемаси.

Айланаётган вал учун $c = J_p G/l$, Нм, бу ерда l – стержен узунлиги, м;

$J_p = \pi R^2 / 2$ – вал кўндаланг кесим инерция моменти, м⁴; G – айланиш модули, Па.

$c = c_k / i^2_k$ – i инчи эластик элемент c_i – чўзилганда ва силжигандаги қаттиқлиги, Нм.

$c_1, c_2 \dots c_n$ эластик элементлар n қаттиқлик элементи кетма-кет уланганда

$$c_{\text{экв}} = 1/(1/c_1 + 1/c_2 + \dots + 1/c_n);$$

параллел уланганда эса

$$C_{\text{экв}} = C_1 + C_2 + \dots + C_n.$$

юмшоқлик катталиги деб қаттиқликка тескари катталиқка айтилади.

$$e = 1/c.$$

Икки элементли система харакатини қуйидаги тенгламалар системаси билан белгилаймиз:

$$\left. \begin{aligned} M_1 - M_{c1} - M_{12} &= J_1 d\omega_1 / dt; \\ M_{12} - M_{c2} &= J_2 d\omega_2 / dt \\ M_{12} &= c_{12}(\phi_1 - \phi_2) \end{aligned} \right\} \quad (2.20)$$

Бу ерда M_1, ω_1, J_1 – биринчи элемент моменти, тезлиги ва инерция моменти. M_{12}, c_{12} – эластик момент ва эластик момент қаттиқлиги; ω_2, J_2 – иккинчи элемент тезлиги ва инерция моменти; φ_1, φ_2 – биринчи ва иккинчи элементлар бурилиш бурчаги; M_{c1}, M_{c2} – қаршилик моментлари.

